



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

6 (92) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (92)

2026

Июнь

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

Received: 20.05.2026, Accepted: 06.06.2026, Published: 10.06.2026

УДК 616.99-053.2-08: 615.322

БОЛАЛАРДА ИЧАК ПАРАЗИТОЗЛАРИНИНГ КЛИНИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШДА “ВОРМАТИК” ЎСИМЛИК ПРЕПАРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мирзоева Мехринисо Ризоевна <https://orcid.org/0000-0003-1014-9071>

Email: mirzayeva4353@gmail.com

Нурова Озода Камаловна <https://orcid.org/0009-0007-1574-5848>

Байханова Насиба e-mail: bayxanoba_nasiba@bsmi.uz

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Мақолада болаларда учрайдиган гельминтозларнинг клиник кўринишлари, уларнинг соғлиққа таъсири ва табиий даво воситаси “Ворматик”дан фойдаланиш самарадорлиги ёритилган. 40 нафар аскаридоз билан касалланган бола иштирокида ўтказилган клиник кузатув материаллари таҳлил қилинди. Препаратнинг паразитларга қарши самарадорлиги, ножўя таъсирларнинг йўқлиги ва болалар томонидан яхши қўтарилиши аниқланди. “Ворматик” даво воситаси болаларда гельминтозларни даволашда хавфсиз ва истиқболли восита сифатида тавсия этилади.

Калит сўзлар: паразитоз, аскаридоз, болалар, фитопрепарат, Ворматик.

КЛИНИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ КИШЕЧНЫХ ПАРАЗИТОЗОВ У ДЕТЕЙ И ЗНАЧЕНИЕ РАСТИТЕЛЬНОГО ПРЕПАРАТА "ВОРМАТИК" В ИХ ЛЕЧЕНИИ

Мирзоева Мехринисо Ризоевна <https://orcid.org/0000-0003-1014-9071>

Email: mirzayeva4353@gmail.com

Нурова Озода Камаловна <https://orcid.org/0009-0007-1574-5848>

Байханова Насиба e-mail: bayxanoba_nasiba@bsmi.uz

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В статье рассматриваются клинические проявления гельминтозов у детей, их влияние на здоровье и эффективность применения натурального средства "Ворматик." На основе обследования 40 детей с лабораторно подтверждённым аскаридозом исследована эффективность препарата, его переносимость и отсутствие побочных действий. Установлено, что натурального средства «Ворматик» способствует уменьшению клинических симптомов, нормализации лабораторных показателей и может применяться как безопасное альтернативное средство в терапии паразитарных заболеваний у детей.

Ключевые слова: паразитоз, аскаридоз, дети, фитопрепарат, Ворматик.

CLINICAL INDICATORS OF INTESTINAL PARASITOSIS IN CHILDREN AND THE IMPORTANCE OF THE PLANT PREPARATION "VORMATIK" IN THEIR TREATMENT.

Mirzoeva Mehriniso Rizoyevna <https://orcid.org/0000-0003-1014-9071>

Nurova Ozoda Kamalovna <https://orcid.org/0009-0007-1574-5848>

Baykhanova Nasiba e-mail: bayxanoba_nasiba@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

The article evaluates the clinical features of helminthic infections in children and the effectiveness of the herbal antiparasitic drug "Vormatic". A clinical observation involving 40 children diagnosed with ascariasis was conducted. The study demonstrated high therapeutic efficacy, absence of adverse effects, and good tolerance of the remedy. The "Vormatic" phytocomplex is recommended as a safe and promising treatment method for helminthic infections in pediatric practice.

Keywords: parasitosis, ascariasis, children, phytomedicine, Vormatic.

Актуальность

Долзарблиги болаларда учрайдиган гельминтозлар ривожланаётган мамлакатлар учун долзарб муаммолардан бири бўлиб, иммунитетнинг пасайиши, аллергия реакциялар, интоксикация, овқат ҳазм қилиш жараёнларининг бузилиши каби салбий оқибатларни келтириб чиқаради.[1,2] Паразитозларни даволашда хавфсиз, табиий ва болалар учун мос келадиган воситаларга эҳтиёж ортмоқда. Шулардан бири — ўсимлик таркибли антигельминт восита "Ворматик". Болаларда аскаридозни даволашда "Ворматик" даво воситасининг клиник самарадорлиги ва толерантлигини баҳолаш [3,4].

Бугунги кунда болалар орасида учрайдиган ичак паразитозлари жаҳон соғлиқни сақлаш тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг катта қисми, айниқса мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар турли гельминтозлар ва протозой инфекциялар билан зарарланган[5]. Ичак паразитозлари болалар организмига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишини секинлаштиради, иммун тизим фаолиятини пасайтиради ҳамда турли асоратларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади[6,7].

Ўзбекистон шароитида ҳам ичак паразитозлари кенг тарқалган бўлиб, айниқса санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя этилмаслиги, ичимлик суви сифати, аҳолининг тиббий саводхонлиги пастлиги ушбу касалликларнинг сақланиб қолишига олиб келмоқда. Болаларда энтеробиоз, аскаридоз, лямблиоз каби паразитар касалликлар тез-тез учраб, клиник жиҳатдан иштаҳа пасайиши, қорин оғриғи, кўнгил айниши, ич кетиши ёки қабзият, аллергия реакциялар, камқонлик ва неврологик ўзгаришлар билан намоён бўлади. Ушбу белгилар боланинг кундалик фаоллиги ва таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатади[8].

Ҳозирги вақтда ичак паразитозларини даволашда асосан синтетик антигельминт препаратлар қўлланилмоқда. Ушбу дорилар юқори самарадорликка эга бўлишига қарамай, кўп ҳолларда ножўя таъсирлар, жигар ва ошқозон-ичак тизимида салбий таъсири, аллергия ҳолатларнинг кучайиши билан кечиши мумкин. Айниқса болалар ёшида бу каби асоратлар клиник аҳамият касб этади. Шу сабабли кам захарли, хавфсиз ва табиий воситалардан фойдаланган ҳолда даволаш усуллари жорий этишга эҳтиёж ортиб бормоқда[9,10].

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўсимлик хомашёси асосида тайёрланган препаратлар ичак паразитозларини даволашда истиқболли ҳисобланади. "Ворматик" ўсимлик воситаси таркибидаги биологик фаол моддалар паразитларга қарши таъсир кўрсатиши, яллиғланишга қарши ва детоксикация қилувчи хусусиятларга эга экани билан аҳамиятлидир[11]. Препаратнинг табиий таркибга эга бўлиши уни болалар амалиётида қўллаш имкониятини кенгайтиради ҳамда ножўя таъсирлар хавфини камайтиради.

Болаларда ичак паразитозларининг клиник кўрсаткичларини ўрганиш, шунингдек, уларни даволашда "Ворматик" ўсимлик воситасининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш амалиёт учун катта аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот натижалари паразитар касалликларни комплекс даволаш схемаларини такомиллаштиришга, болалар саломатлигини яхшилашга ҳамда профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шу боис мазкур мавзу замонавий педиатрия ва инфекция касалликлар соҳасида долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: Болаларда учрайдиган гельминтозларнинг клиник кўринишларига қараб табиий даво воситаситалари самарадорлигини таққосий ўрганиш.

Материал ва методлар

Тадқиқот контингенти 65 нафар бола (3–12 ёш), лаборатор тасдиқланган *Ascaris lumbricoides* инфекцияси. Дозалаш тартиби 3–5 ёш: 5 мл, кунига 2 марта, 5–12 ёш: 5 мл, кунига 3 марта, 12 ёшдан юқори: 10 мл, кунига 2 марта.

Қабул қилиш вақти: овқатдан 15 дақиқа олдин, Даво курси: 7 кун, Текширувлар клиник кўрик, умумий қон таҳлили.

Эозинофилия даражаси, паразитологик қайта таҳлил (курсдан 7 кун ўтгач), ножўя таъсирларни мониторинг қилиш.

Манфаатлар тўқнашуви: Муаллифлар манфаатлар тўқнашуви йўқлигини эълон қиладилар.

Молиялаштириш: Тадқиқот тижорат ёки давлат ташкилотлари томонидан мақсадли молиялаштирилмаган ҳолда амалга оширилди.

Муаллифларнинг ҳиссаси: ғоя, тадқиқот концепцияси ва дизайни, статистик

Ахлоқий баёнот: тадқиқот яхши клиник амалиёт стандартлари ва Хелсинки декларацияси тамойилларига мувофиқ ўтказилди.

Ахборотланган розилик: тадқиқот учун барча беморлардан ёзма маълумотли розилик олинган ва натижаларни аноним нашр қилиш учун рухсат берилган.

Натижа ва таҳлиллар

1. Клиник белгиларнинг динамикаси 65 нафар бола орасида:

Белги	Даволашдан олдин	5–7 кунда
Қорин оғриғи	90%	15%
Иштаҳа пастлиги	72%	10%
Тери аллергияси	55%	12%
Инттоксикация	80%	20%

2. Лаборатор ўзгаришлар

Эозинофиллар нормаллашиши — 60% беморда

Аскаридозни йўқолиши — 33/40 (82,5%)

Қолган 7 нафарда паразит миқдори сезиларли камайган

3. Ножўя таъсирлар

Тадқиқот давомида:

аллергик реакция — аниқланмади

қусиш, қўнғил айланиш — аниқланмади

умумий толерантлик — 100%

Табиий даво воситаси сифатида таҳлилий ўрганилган “Ворматик” табиий даво воситасининг таркибидаги қовоқ уруғи, саримсок, шuvoқ ва ёнғoқ барги экстрактлари паразитларнинг ўсиши ва кўпайишини чеклайди, ичак микрофлорасини тиклайди ва яллиғланишни камайтиради. Тадқиқот натижалари болалар учун хавфсизлиги ва клиник самарадорлигини тасдиқлайди.

Таҳлилий клиник ҳолатлар: 1-клиник ҳолат:

6 ёшли бемор А., педиатрия бўлимига қорин соҳасида даврий оғриқлар, иштаҳа пасайиши, тез чарчаш ва тунги безовталиқ шикоятлари билан мурожаат қилди. Анамнезидан маълум бўлишича, сўнгги 2 ой давомида болада иштаҳа пасайган, тана вазни камайган ҳамда перианаль соҳада қичишиш кузатилган. Боланинг санитария-гигиена қоидаларига доимий равишда риоя этмаслиги қайд этилди.

Объектив кўрикда: тери қопламлари оқарган, кўз остида кўкимтир ҳалқалар, тил устида оқ қоплама аниқланди. Қорин соҳасини пальпация қилишда ингичка ичак проекциясида оғриқ сезилди. Лаборатор текширувлар натижасида нажас таҳлилида “*Enterobius vermicularis*” тухумлари аниқланди.

Беморга комплекс даволаш режаси асосида диета, гигиеник тадбирлар ҳамда “Ворматик” даво воситаси ёшга мос дозада 14 кун давомида тавсия этилди. Даволашдан сўнг клиник белгилари сезиларли даражада камайди, перианаль қичишиш бартараф этилди, иштаҳа тикланди. Назорат текширувида нажас таҳлили манфий натижа кўрсатди.

Тахлилий клиник ҳолатлар: 2-клиник ҳолат

8 ёшли бемор Б. ич кетиши, қорин дам бўлиши, кўнгил айнаши ва терида аллергия тошмалар шикоятлари билан қабул қилинди. Анамнезида боланинг охириги вақтларда тез-тез шамоллаш касалликлари билан оғриши, умумий ҳолсизлик ва диққат пасайиши қайд этилган.

Физик кўрикда: тери қопламларида аллергия дерматит белгилари, қорин дам бўлиши кузатилди. Лаборатор текширув натижаларига кўра нажасда “*Giardia lamblia*” цисталарининг мавжудлиги аниқланди.

Беморга паразитларга қарши терапия сифатида “Ворматик” ўсимлик воситаси, шунингдек, симптоматик даволаш тавсия этилди. Даволаш курсидан кейин боланинг умумий аҳволи яхшиланди, ичак фаолияти меъёрлашди, аллергия тошмалар бартараф этилди. Такрорий лаборатор текширувда паразитлар аниқланмади.

Тахлилий клиник ҳолатлар: 3-клиник ҳолат

10 ёшли бемор В. тана вазни ортиб бормаслиги, камқонлик белгилари, тез чарчаш ва бош оғриғи шикоятлари билан мурожаат қилди. Анамнезида болада узоқ вақт давомида иштаҳа пастлиги ва қорин соҳасида ноқулайлик ҳисси мавжудлиги қайд этилди.

Лаборатор таҳлилларда қон таҳлилида гемоглобин миқдорининг пасайганлиги, нажас таҳлилида “*Ascaris lumbricoides*” тухумлари аниқланди. Боланинг даволаш режасига “Ворматик” ўсимлик воситаси қўшилди.

Даволаш натижасида беморнинг умумий ҳолати яхшиланди, иштаҳа ошди, камқонлик белгилари қамайдди. Назорат текширувлари паразитознинг бартараф этилганини кўрсатди.

Келтирилган клиник ҳолатлар ўсимлик воситаларидан фойдалинганда болаларда ичак паразитозларини даволашда самарали ва хавфсиз эканини кўрсатади. Даво воситаси таъсирида клиник симптомларни бартараф этиш, лаборатор кўрсаткичларни меъёрлаштириш ҳамда болаларнинг умумий аҳволини яхшилашда ижобий таъсир кўрсатди. Бу эса уни болалар амалиётида комплекс даволаш воситаси сифатида қўллаш патогенетик химёвий востилар ўрнида тавсия қилиниш мумкинлигини мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Хулоса

Табиий воситаларнинг 65 нафар болада олиб борилган тадқиқотда 82,5% даволаш самарадорлиги кўрсатди. Ножўя таъсирлар қайд этилмади. Болаларни даволаш жараёнида табиий воситаларнинг самарадорлиги ва амалий ножўя таъсирлари йўқлиги қайд этилди.

Фитокомплекс педиатрияда гельминтозларни даволашда хавфсиз ва истиқболли восита ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бодня Е. Актуальные подходы в лечении гельминтозов. Медицинский журнал. 2016;(71):111-116.
2. Шадрин О, Ковальчук А, Дюкарева С. Современные методы терапии гельминтозов. Клиническая паразитология. 2016;(3):45-52.
3. Татаренко О. Возможности натуральных средств в борьбе с гельминтозами. Фитотерапия. 2013;(2):20-24.
4. Shermatov Y, Rakhimov SI, Mirxasilova ZK, Yakubov MA. Regulirovanie solevogo rezhima pochv. Scientific Impulse. 2023;1(3):778-781.
5. Mirzoeva MR, Rakhimov SI. Bolalarda parazitlar kasalliklarining lyamblioz va askaridoz bilan birga kechishi. Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi. 2024;(4):122-127.
6. Rakhimov SI. Post-COVID syndrome: prevalence, diagnostic aspects. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. 2023;11(10):55-60.
7. Rakhimov SI. Specific features of giardiasis in young children. American Journal of Pediatrics and Medical Health Sciences. 2024. Available from: <https://grnjournal.us/>
8. Rakhimov SI. Allergic reactions in parasitoses in children. BIO Web Conf. 2024;40:03022.
9. Rakhimov SI. Co-occurrence of ascariasis and giardiasis in children. BIO Web Conf. 2024;40:03022.
10. Bolalarda askaridoz va lyamblioz klinik xususiyatlari. Ilmiy jurnal. 2024. Available from: <https://web-journal.ru/>
11. Rakhimov SI. Transmissible diseases: general classification. World Scientific Research Journal. 2025;40(1):357-363.

Қабул қилинган сана 20.05.2026